

## ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

№ 2-20/124

Навоний 2022 йил

### ЁДДА ТУТИНГ! ЭСЛАТМА!!!

Табиий газдан фойдаланишда қондаларга риоя этмаслик авария ва бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

### ҚАТЪИЙЯН ТАҚИҚЛАНАДИ!!!

- Корхонада газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича бўйруқ билан бириктирилган жавобгар шахслардан бошқа ишчи ходимларнинг газ ускуналари ни бошқариши, фойдаланиши;
- Қозонхона ва газ ускуналари ўрнатилган хоналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, дам олиш ва ухлаш мақсадларида фойдаланиш;
- Газда ишлайдиган қурилмаларни ўзбошимчалик билан газ тармоқларига улаш, жойини ўзгартириш, алмаштириш ва таъмирлаш;
- Газда ишлайдиган қурилмалар ўрнатилган биноларни меъёрий шартларга тўғри келмаган ҳолда қайта режалаштириш;
- Газда ишлайдиган қурилма, тутун ва вентиляция (шамоллатиш) тизимлар конструкциясига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш, вентиляция (шамоллатиш) каналларини тўсиб қўйиш, мўриларни тозалаш учун мўлжалланган "қарман" ва локларни беркитиб ташлаш;
- Ёпик ойналар (форточка), жалозали панжаралар, вентиляция (шамоллатиш) каналлари панжаралари ёпик бўлганда, ванна ва ошхона эшиклари остида тешиклар ҳамда мўри ва вентиляция (шамоллатиш) каналларида тортиш кучи(тяга) йўқлигида газ қурилмаларидан фойдаланиш;
- Мўри ва вентиляция каналларини текширилганлиги ҳамда созлиги тўғрисидаги далолатномалар мавжуд бўлмаганда газдан фойдаланиш;
- Хавфсизлик ва бошқариш автоматикасини ўзбошимчалик билан ўчириш, газ жиҳозлари, автоматика ва қурилма носоз бўлганда улардан фойдаланиш;
- Ишлаб турган газ қурилмаларини қаровсиз қолдириш, назоратсиз қолдириш;
- Носоз газ ускуна ва жиҳозларини ўзбошимчалик билан таъмирлаш;
- Табиий газ бор ёки йўқлигини билиш учун олов ёқиб текшириш (одатда бу мақсадларда совунли эмальсыя ёки махсус қурилмалардан фойдаланиш лозим);

### ДИҚҚАТ!

Бинода (хонада) газ хиди пайдо бўлганда, дарҳол газ қурилмаларининг жўмрақларини беркитиб, дераза ва эшикларни очиш, елвизак (шамоллатиш) хосил қилиш ва телефон орқали 104 авария хизматини чақириб зарур. Олов ёқмаслик, чекмаслик, электр ёритиш асбоблари ва электр қурилмаларини ёқмаслик, электр қўнғироклардан фойдаланмаслик, газланган ҳудуддан одамларни ташқарига чиқариш керак.

Газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик инсон ҳаёти учун ХАВФЛИ бўлиши мумкин!

Нафақат яқинларингиз ҳаёти ва мулкни олдида, балки бошқа фуқаролар олдидаги ўз шахсий жавобгарлигингизни УНУТМАНГ!!!

**ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!**

Бир нусхасини олдим.

ИМЗО \_\_\_\_\_

2022 йил " \_\_\_\_\_ "